



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 6 декабрь, № 237 (4900)

Якшанба

## 2010 йил — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

### ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ — БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР



#### БУНЁДҚОРИЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

“Ўзбекистон” халқро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда маъруза қилди.

(Давоми 3-бетда).



Фарҳод ҚҮРБОНОВЕВ ва Сарвар ҲҲМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

### Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!  
Шу кунларда халқимиз давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг катта, алоҳида ўрин олган кўтулғу байрамлар қаторида мустақиллигимизнинг тамаи таърихи кўйган, эркин ва обод келажагимизнинг пойдеворини белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонламоқда.  
Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни шу буюк айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилақларимни изхор этишга рухсат бергайсиз.  
Муҳтарам юрдошлар!  
Ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин, яъни 1992 йил 8 декабрь куни моҳияти ва аҳамияти ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган, том маънода тарихий ҳужжатни — ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни қабул қилиш билан ўзини оқламаган эски тузумдан бутунлай воз кечиб, янги давлат, янги жамият қуриш йўли ва имкониятларини очдик.  
Айнан ана шу кундан бошлаб юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодийни қуриш, халқимиз

учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.  
Бугун ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб эканмиз, аввало, Конституциямизнинг асосий принциплари ва қондалари негизда қабул қилинган қонун ва дастурлар бўйича давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилётган ислохотлар натижаларини қайд этишимиз табиий, албатта.  
Мамлакатимиз эришган бундай улкан марраларнинг барчасини бутун дунё тан олаётганини кўриб, Асосий Қонунимиз белгилаб берган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига тақрор ва тақрор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.  
Ҳаммамизга маълум, бу йил Конституциямиз байрамни нишонлаш алоҳида маъно-мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, шу йил 27 декабрь куни мамлакатимизда парламентга ва жойлардаги вакилий органлари бўлган маҳаллий кенгашларга умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди. Юртимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлмиш ана шу

сайловларни Конституциямиз ва сайловлар ҳақидаги тегишли қонунларимиз талабларига, халқро андоза ва нормаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, муносиб тарзда ўтказиш мақсадида, мана, кейинги уч ой мобайнида Марказий сайлов комиссияси раҳбарлиги ва назоратида кенг кўламли ва катта ишлар олиб борилмоқда.  
Шу ўринда айтиш кераки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэтироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямиз ва сайлов қончилигимизга асосланган мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий замин яратилди.  
Оқирги йилларда, хусусан, мана шу йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимига замон талаблари ва халқро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгартириш ва янги нормаларнинг киритилгани эътиборга сазовордир.  
Айниқса, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ишончли вакиллари сонини кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча ҳуқуқ ва ва-

колатлар бериш, умуман, сайловчиларнинг ҳуқуқини кенгайтиришни кўзда тутадиган бу имкониятлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилиди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.  
Сайлов ҳақидаги қончиликка киритилган бир қанча ўзгаришлар қаторида бўлажак сайловларда фуқаролар иштирокнинг кўламини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўринлари сонини 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Ва шунинг ҳисобидан, аввало, атроф муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик ҳафсизлигини таъминлаш бўйича янги таъминлай жорий этилди. Яъни, мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди.  
Энг муҳими, сайлов қончилигимизда Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш мақсадида алоҳида аҳамият берилди.  
Бизнинг қонунларимизда қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнига ҳеч қимнинг, аввало, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг аралашшига ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатларга йўл қўйиш кўнунда қаттиян ман қилинган ва бунга қўл урган шахсларга нисбатан чора қуриш, керак бўлса, уларни тегишли жавобгарликка тортиш ҳам белгилаб қўйилган.  
Ана шу фикрларни умумлаштириб айтганда бўлса, мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилётган чора-тадбирларнинг барчаси, аввало, сайловларни очиклик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказишга қаратилганини қайд этиш лозим.  
Бир сўз билан айтганда, шу юрда гуруру ва ифтихор билан шайтаган ҳар қайси инсон, ўйлайманки, навабдаги сайлов барчаси учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий имтиҳон эканини яхши тушунади ва англайди.  
Бўлгуси сайловларга айнан шу кўз билан қарайдиган бўлса, бу имтиҳон, биринчи навбатда, қўйидаги мезон ва талаблардан иборат бўлиши-ни ўзимизга тасаввур қилишимизни истардим:  
аввало, бу жараён сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини синаш демақдир;

(Давоми 2-бетда).

### ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

#### Оқсаройда 5 декабрь куни Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Юрдошларимиз энг улғу ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини ўзгача интиқлик билан кутади. Истиқлол шодибаналари ҳар бир хонадонга кириб боради, ҳар бир қалбга қувонч бағишлайди. Айниқса, анҳанга мувофиқ Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлари билан эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига улкан ҳисса қўшган юрдошларимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши миллий байрамимизга янада улғуворлик бағишлайди.  
Оқсаройда 5 декабрь куни ана шу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.  
— Бугун сиз, азизлар билан мана шу муҳтарам залда қуришиб, барчангизга ўзимнинг чўқур ҳурмат-эҳтиромимни изхор этишдан бениҳоят хурсандман, — деди давлатимиз раҳбари.  
Ҳар йили Конституция кунини арафасида Мустақиллик байрами муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юрдошларимизни қутлаш, уларга ана шу мукофотларни топшириш анъанавий бир тантананага, олижаноб бир одатга айланган бормоқда. Сиз, мамлакатимиз мукофотларига сазовор бўлган вакиллар билан мана шу муаззам саройда учрашар эканман, сизнинг тимсолонингиз мен ўзимни бамисоли бутун Ўзбекистон бўйича мукофотланган ватандошларимизнинг ҳам шу ерда қабул қилаётгандек ҳис этаман. Сиз, ҳурматли юрдошларимизга Мустақиллик байрамлари топширишни ўзим учун катта шараф деб биланман, деди Президентимиз.  
Ҳеч кимга сир эмас, якунига етаётган 2009 йил мамлакатимиз экспортчиларини қўллаш учун осон йил бўлмади.  
Бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз жажон миқёсида давом этётгани ҳақида, бу инқироз қандай оғир муаммоларни туғдираётгани, ишсизлар сонини кўпайтгани, иқтисодий ривожланиш сурьатлари ва


аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бораётгани ҳақида, ўйланманки, барчангиз хабардорсиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.  
Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиким, дунёдаги барча давлатлар ва халқларнинг бошига тушган бундай савдодан бизнинг мамлакатимиз ҳам четда қолаётгани йўқ.  
Бу табиий бир ҳол. Нега деганда, бугунги кунда мамлакатимиз жажон ҳамжамиятида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қаторида дунё бозорининг ажралмас узвий бир қисмига айланмоқда, келажақда бу алоқалар бундан ҳам мустаҳкамланиб боради.  
Айнан мана шундай оғир бир вазиятда мамлакатимиз иқтисодий ривожига салбий таъсир ўтказиб турган инқирозни юмшатиш ва баргараф этиш, лўнда қилиб айтганда, тараққиётимиз сурьатларини сақлаш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини янада ошириш вазифалари нақадар мураккаб эканини тушуниш, англаш қийин эмас, албатта.  
Ўзбекистонимиз дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бундай натижалар ва юксак марраларга эришаётгани, жажон жамоатчилиги буни тан олаётгани барчамизга гуруру ва ифтихор бағишлайди.

Мамлакатимизнинг, ҳақиқатан ҳам, кўпчиликини ҳайратда қолдираётган марраларга қизиқишга муносиб ҳисса қўшаётган турли соҳа ва тармоқлардан кўпгина мисоллар келтириш қийин эмас. Биргина қишлоқ ҳўжалиги соҳасини оладиган бўлсақ, бу йил об-ҳавонинг ўта оғир келгани, баҳордаги ўзлуксиз ёғингарчилик туфайли экин мавсумининг бир ой орқаша сурйиб кетгани ва бошқа кўплаб қийинчиликлар деҳқон ва фермерларимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.  
Фермер ва деҳқонларимизнинг меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатлари эвазига мамлакатимизнинг пахтачилик ва галлачилик тарихига шу йилнинг ўзиде янги саҳифа

(Давоми 3-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

#### 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий

ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги Қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.  
Мажлисида қайд этиб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан мамлакатимизнинг иқтисодий стратегиясини амалга ошириш, Ўзбекистонда қабул қилинган ислохотлар ва модернизациялашнинг ўз моделини изчил рўйбга чиқариш, жажон молиявий-иқтисодий инқирозни оқибатларининг олдинчи олиш ҳамда унинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш бора-

сида қўйилган дастурий вазифаларнинг бажарилиши иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори сурьатлари сақлавиб қолишни таъминлади. 2009 йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш 3,3 фоизга, хизматлар кўрсатиш 15,8 фоизга ошди. Мамлакатимиз экспортчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар натижада мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб,

экспорт қилинаётган маҳсулотлар номенклатураси ва экспорт бозорлари географияси кенгайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий салмадоси 2,3 миллиард АҚШ доллари-дан кўпроқ бўлиши таъминланди.  
Инқирозга қарши чоралар дастурини бажаришда маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига масъулиятли вазифалар юқлатилган бўлиб, улар белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол ва бевосита қатнашилари керак.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 3-бетда).





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сенатнинг 2009 йил 27 мартдаги мазкур Қарори бажарилишини ўрганиш шунинг кўрсатдики, умуман олганда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ишида 2009 йил апрель ойидан бошлаб бу йўналишда ижобий силжишлар кўзга ташланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида ва уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида инқирозга қарши чораларнинг худудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилиши учун жавобгар бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тинглаб борилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда маҳаллий вакилик ҳокимияти органлари билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви худудий органлари ўртасида ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш ҳамда фаолиятни мувофиқлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўпчилик ҳолларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари инқирозга қарши комиссиялар таркибига киритилган.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлик гуруҳларининг Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш доирасида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қара-

тилган масалаларни кун тартибига қўйиш борасидаги фаолияти кучайди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ишида маҳаллаларнинг аҳолиси билан ўтказилган учрашулар яқунлари бўйича ташиқлотларга сўровлар юбориш каби иш усулидан тобора самарали фойдаланилмоқда. Сенат мажлисида депутатлик сўровларида кўтарилган масалаларни ҳал қилиш натижасида Андижон вилоятида қишлоқ ҳўжалиги техникасини сотиб олиш, иш ўринлари яратиш, хусусий корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратиш, кўп қаватли уйлари капитал таъмирлашни тугаллаш, аҳоли пунктларини газлаштириш ва бошқа масалалар юзасидан амалий ёрдам кўрсатилганлиги ҳақида аниқ мисоллар келтирилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг доимий комиссиялари билан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг соҳалар бўйича доимий комиссиялари ўртасида ҳамкорлик қилиш механизми йўлга қўйиб берилмоқда. Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари халқ депутатлари

маҳаллий Кенгашлари маҳаллаларнинг фаолларини, таълим муассасаларининг ходимларини жалб этган ҳолда, жaxon молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатишининг ол-

борасида айрим халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор таклифлар билдирилди, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар-



дини олиш ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш юзасидан давлатимиз томонидан кўрилатган чораларнинг мўҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Депутатларнинг ўз депутатлик вазифаларини бажаришлари учун масъулиятини оширишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Масалани муҳокама қилиш асносида сенаторлар Сенатнинг юқорида кўрсатиб ўтилган Қарорини амалга ошириш

нинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурида назарда тутилган тадбирларни сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулигини янада ошириш юзасидан қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

даги Шартномани (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди тартибларига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига таллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Икки кун давом этган мажлисда 20 дан ортиқ масала, шу жумладан, амалга оширилиши демократик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда, одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омили бўладиган 13 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2003 йил 4 августдаги Фармонида биноан ҳар йили юртимиз раънақида мўносиб ҳисса қўшаётган, турли соҳаларда ўқийётган, ишлаётган ҳамда илмий-ижодий фаолият билан шуғулланаётган фаол ёшларимиздан бир гуруҳи «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида бу йилги совриндорларга мазкур мукофотлар тантанали равишда топширилди.

## ФАОЛ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А. Алимов, Республика Хотинқизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г. Маъруфова ва бошқалар юртимизда улғайиб келаятган авлодга ўз истеъдодини намойиш этишда яқиндан кўмаклашиши, йигит-қизларга жaxon андозалари даражасида таълим бериш, жамиятда мўносиб ўрин эгаллаши учун қулай шароит яратиш юртимизда юртимиздаги сўвдатнинг муҳим йўналишларидан эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор натижасида юксак ватанпарварлик, фидоийлик ва меҳнатсеварликни ўзида муҳассамлаштирган, юртимиз шон-шўхрати ва нуфузини янада оширишга мўносиб ҳисса қўшаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган йигит-қизлар сони тобора кўпаймоқда.

Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Нодира Нодиржоннова улардан бири. Нодира юртимиз ҳамда хорижда

ўтказилаётган қатор халқаро турнирларда фарқли ўринларни қўлга киритган. Ёш спортчининг эришган ютуқлари мўносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан мукофотланди.

Тадбирда илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, санъат, журналистика, ишлаб чиқариш, спорт, қишлоқ ҳўжалиги, ҳўқуқ ва харбий соҳаларда ўқийётган, ишлаётган ҳамда илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиб, юксак натижаларга эришаётган 34 нафар йигит-қизга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони топширилди.

Совриндорлар давлатимиз раҳбарига юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдириб, Ватанимиз раънақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилишларини таъкидладилар.

Гўзал САТТОВАВА,  
ЎЗА мухбири.

## ИДОРАЛАРАРО ЙИГИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда суд ходимлари иштирокида Идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, республика харбий ва Транспорт прокурорларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Миллий ҳавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этган мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳўқуқбузарликларни аниқлаш, расмийлаштириш ва ҳал этиш аҳволи муҳокама қилинди.

Ташкилланишича, виждон эркинлиги ва диний ташкилот-

лаш тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишига қарши кураш ва унинг олдини олиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, бу тоифадаги маъмурий ҳўқуқбузарликлар бўйича ҳўжатларни расмийлаштириш, ҳўқуқбузарларнинг ҳаракатларини малакалаш ва қарор қабул қилишда йўл қўйилган камчиликлар кескин танқид остига олинди.

Мазкур тоифадаги ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида профилактика ва тарғибот ишлари самарасини

ошириш, ҳўқуқбузарликларга оид ишлар юзасидан ҳўжатларни расмийлаштириш ва ишни судда қуришда қонун талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мазкур масалага оид қарори тушунтиришларига қатъий риоя қилиниши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунда ҳўқуқбузарликларга қарши курашишга масъул органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Идоралараро йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати

**8 декабрь**

**«Ўзкимёसानоат»**  
давлат акциядорлик компанияси

мамлакатимиз кимёгарлари номидан Ўзбекистон халқини улўғ байрам —

**Конституция кунини**  
билан чин дилдан қўтлайди!

Меҳнатсевар, қўли гул халқимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик жабҳасида эришаётган ютуқлари тобора кўпайиб, юртимиз кундан-кун чирой очаверсин!

Ҳар бир хонадонга тинчлик-омонлик, бахт-саодат, дастурхонларига қўт-барака, амалга ошираётган хайрли ишларига омад тилайди!

**«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АИБ**

**Жамоаси**

кўп миллатли мамлакатимиз халқини яқинлашиб келаятган қўтлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг

**17 йиллиги билан қизгин қўтлайди.**

Ушбу фараҳли кунларда юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, хонадонларига файзу барака тилайди. Ватанимиз раънақи йўлидаги орзу-интилиш, саъй-ҳаракатларида улкан зафарлар ёр бўлсин!

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 10 декабрь, пайшанба кунини чиқади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўвчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тажрибига келган кўлаблар тақриз қилинмайдн ва муаллифга қайтарилмайдн. Режама материаллари учун тажрибига жавобгар эмас.

Газета тажрибига компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.00 Топширилди — 00.20

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолматова.  
Навбатчи — З. Жонибоев.  
Мусаввир — Ш. Машраббоев.

1 2 4 5